



Шу йилнинг 9 июль куни Брунейда бир гуруҳ ўқувчилар Куръони Каримни хатм килишгани муносабати билан алохида тадбир ўтказилди.

«Brunei Online» ахборот сайти хабар беришича, мазкур тадбир Брунейнинг Моара минтакасида жойлашган Мусин масжидида бўлиб ўтди. Мазкур лойиха ўқувчиларни Куръони Каримни кироат қилиш, Куръонга хамрохликка тарғиб этиш, уларнинг тажвид ва кироат бўйича махоратларини ошириш, шунингдек, ёшлар ва ўсмирлар ҳамда уларнинг ота-оналарини доимий равишда масжидларга боришга ташвиқ этиш мақсадида амалга оширилди.

Куръони Каримни оммавий хатм қилиш лойихасининг ёпилиш маросими Фотиха сураси ва хатми Куръон дуосининг кироати ҳамда баъзи бир брунейлик таникли кишиларнинг маърузаси билан якунига етди.